

Саудия Арабистони фуқаролари мусулмон дўстларини умра зиёратига таклиф қилишлари мумкин



12:00 / 25.07.2023 1681

Саудияликлар бошқа мамлакатлардаги мусулмон дўстларини Саудия Арабистонига келишга ва «шахсий ташриф визаси» асосида умра зиёратини адо этишга таклиф қилишлари мумкин. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди. Ушбу визалар онлайн тарзда бўлиб, улар битта ёки кўп кириш учун сўралиши мумкин. Ташриф буюрувчилар Масжидул Ҳарамда умра ибодатини бажаришлари ва Мадинаи Мунавварани зиёрат қилишдан ташқари, мамлакатнинг кўплаб сайёҳлик жойларини ҳам ўрганишлари мумкин. Зиёрат қилувчилар Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазирлигининг виза портали орқали шахсий ташриф визасига мурожаат қилишлари тавсия этилади. Ушбу муқаддас масканда туризм соҳасида бир миллиондан ортиқ иш ўрни ва иқтисодиётга

даромад келтириши кутилмоқда. Бундан ташқари, Макка ва Мадинада маънавий туризмни ошириш режалаштирилган. 2030 йилга бориб зиёратчилар сони 30 миллионга етиши кутилмоқда.